

Фикр дурдоналари (35-қисм)



17:50 / 06.05.2017 6261

176. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу дедилар: “Агар қалбларимиз пок бўлганда, Роббимизнинг Каломига тўймаган бўлардик”.

177. Ишингни Аллоҳга топшир ва табассум қил! Хотиржам бўл, агар сенга бирор нарса келса, унинг аниқ сенга келиши ёзиб қўйилгандир. Агар сенга ўша нарса келмаса, у аниқ сенга муносиб эмас. Доимо Аллоҳга ишон!

178. Одамлар ҳақида ҳукм қилишга шошилма! Агар шошилиб ҳукм қилсанг, азиз кишига зулм қилиб, арзон кимсанинг қадрини кўтариб қўясан.

179. Ё Аллоҳ! Биз Сендан ушбу тонгда иймонимиз нурининг зиёда бўлишини, умримиз баракали бўлишини, танамиз соғлом бўлишини, ризқимиз ҳалол ва кенг бўлишини, ўлимдан олдин тавба қилишимизни ва

Ўлим пайтида шаҳодат калимасини айтиб омонатни топширишимизни сўраймиз!

180. Сенга нисбатан эътиборсизлик қилиб, сени ташлаб қўймадим. Сен ҳақингда узоқдан сўраб-суриштириш билан кифояландим.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси